



## О'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 13 » марта

№ 148

Toshkent sh.

### “Термиз” эркин иқтисодий зонаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари түғрисида

“Термиз” эркин иқтисодий зонаси бошқарув тизимини янада такомиллаштириш, зарур муҳандислик-коммуникация, транспорт ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси билан таъминлаш ва Сурхондарё вилоятида қулай инвестиция муҳитини яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг:

“Термиз” эркин иқтисодий зонасини “Термиз карго” маркази жойлашган худуддаги 80,6 гектар ер майдонида ташкил этиш;

“Термиз” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси” масъулияти чекланган жамиятини “Термиз” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси” давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда – Дирекция) этиб қайта ташкил этиш түғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Куйидагилар:

“Термиз” эркин иқтисодий зонаси (кейинги ўринларда – “Термиз” ЭИЗ) таркибига кирувчи худудларнинг чегаралари 1-иловага мувофиқ;

“Термиз” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси” давлат унитар корхонасининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

“Термиз” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси” давлат унитар корхонасининг устави 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Куйидагилар Дирекциянинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари ҳисобланади:

“Термиз” ЭИЗни ривожлантириш давлат дастурларининг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

“Термиз” ЭИЗ худудида алоҳида ҳукуқий режимга риоя этилишини таъминлаш;

Сурхондарё вилояти эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарининг маъмурий кенгаши (кейинги ўринларда – Маъмурий кенгаш) томонидан қабул қилинган қарорларга асосан “Термиз” ЭИЗ қатнашчиларини

рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг реестрини юритиш, уларга тегишли гувоҳномалар бериш;

инвесторлар билан инвестициялар киритиш тўғрисида битимлар тузиш;

“Термиз” ЭИЗ худудида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижий ва маҳаллий инвесторларни топиш ва улар билан ишлаш;

белгиланган тартибда танлаб олинган инвесторлар томонидан қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилишини тизимли назорат қилиш, кейинчалик натижаларни Маъмурий кенгашга тақдим этиш;

“Термиз” ЭИЗ қатнашчиларига, шу жумладан давлат органларида уларнинг манфаатларини ифода этиш орқали хизматлар кўрсатиш;

“Термиз” ЭИЗ худудида инфратузилма объектларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритиш жараёнларини мувофиқлаштириш;

“Термиз” ЭИЗ худудидаги ер майдонларини ва кўчмас мулк объектларини бошқариш.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан:

Дирекцияга келгуси йилларда ўзини ўзи молиялаштиришга ўтказиш шарти билан 2020-2021 йиллар даврида сақлаш харажатлари учун асосланган хисоб-китоблар бўйича зарур маблағлар ажратилишини;

Дирекциянинг устав фондини шакллантиришга 1,0 млрд сўм миқдорида маблағ ажратилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда келгуси йиллар учун Инвестиция дастурларини шакллантиришда уларга “Термиз” ЭИЗнинг муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини босқичма-босқич ривожлантириш бўйича лойиҳалар белгиланган тартибда киритилишини назарда тутсин.

6. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги:

Ўзбекистон Республикаси Курилиш вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда “Термиз” ЭИЗнинг бош режасини икки ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси, “Худудий электр тармоқлари” АЖ, “Худудгазтаъминот” АЖ, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ билан биргаликда “Термиз” ЭИЗ худудида муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жойлаштириш ва ташкил этиш дастурини Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ва Сурхондарё вилоятининг маҳаллий бюджети маблағлари хисобидан teng улушларда молиялаштириш бўйича икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

Дирекциянинг Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ат-Термизий кӯчаси, 1а-уй манзилидаги бинога текин фойдаланиш хуқуқи билан жойлаштирилишини ва кейинчалик Дирекция учун замонавий маъмурий бино курилишини;

Дирекцияни малакали мутахассислар билан таъминлашни, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг мазкур йўналишдаги илғор тажрибаси асосида мутахассисларнинг малакасини мунтазам равишда ошириб боришини ҳамда Дирекцияга зарур инвентарлар, ташкилий техника ҳамда самарали фаолият олиб бориш учун талаб этиладиган воситаларни харид қилиш ва сақлаш учун маблағлар ажратилишини таъминласин.

7. Сурхондарё вилояти эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарининг маъмурий кенгаши Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва тиҷорат банклари билан биргаликда:

Икки ой муддатда Сурхондарё вилояти иқтисодиётининг эҳтиёжлари, шунингдек, мавжуд минерал-хомашё, қишлоқ хўжалиги ресурсларини ва инфратузилмани инобатга олган ҳолда, “Термиз” ЭИЗ ҳудудида импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмлар турларини ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштириш бўйича манзилли дастурни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

“Термиз” ЭИЗ ҳудудида ўзлаштириш учун таклиф қилинаётган импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмлар, турлари тўғрисидаги маълумотларнинг мунтазам равишда тадбиркорлик субъектларига етказилишини таъминласин;

“Термиз” ЭИЗ ҳудудида лойиҳаларни амалга ошириш учун тадбиркорлик субъектларини жалб этиш, улар билан тизимли ишларни олиб бориш, шунингдек, “Термиз” ЭИЗ ҳудудида ишлаб чиқаришларни жойлаштириш бўйича инвестиция буюртманомаларини сифатли ва ўз вақтида кўриб чиқсин;

“Термиз” ЭИЗ ҳудудида ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича инвестиция лойиҳаларининг бизнес-режаларини ишлаб чиқишида тадбиркорлик субъектларига кўмаклашиш бўйича тегишли чоралар кўрсинг.

Амалга оширилган чора-тадбирларнинг самарадорлиги ва натижадорлиги тўғрисида ахборот Вазирлар Маҳкамасига 2020 йил 15 июль ва 2021 йил 15 январга қадар берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда “Термиз” ЭИЗ ҳудудида логистика маркази ва божхона пункти ташкил этиш бўйича уч ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг “Термиз” эркин иқтисодий зонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 январдаги 44-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари - Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У. Умурзаков ва Сурхондарё вилояти ҳокими Т.А. Боболов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил 13 мартағи 148 - сон қарорига  
1-илова

**“Термиз” эркин иқтисодий зонаси таркибиға киравчи  
худудларнинг чегаралари**

1-бошлангич нуқта Термиз туманидаги, Гулбаҳор-Айритом автомобиль йўлиниң жанубий томонида, саноат зонаси ҳудудида жойлашган.

1-нуқтадан чегара Гулбаҳор-Айритом автомобиль йўлиниң саноат зонаси ҳудуди бўйлаб жанубий йўналишда 480 метр масофада 2-нуқтагача давом этади.

2-нуқтадан чегара Гулбаҳор-Айритом автомобиль йўлиниң саноат зонаси ҳудуди бўйлаб жанубий йўналишда 1300 метр масофада 3-нуқтагача давом этади.

3-нуқтадан чегара Аму-занг канали муҳофазасининг саноат зонаси ҳудуди бўйлаб гарбий йўналишда 490 метр масофада 4-нуқтагача давом этади.

4-нуқтадан чегара Аму-занг канали муҳофазасининг саноат зонаси ҳудуди бўйлаб шимолий йўналишда 1140 метр масофада 5-нуқтагача давом этади.

5-нуқтадан чегара Аму-занг канали муҳофазасининг саноат зонаси ҳудуди бўйлаб гарбий йўналишда 550 метр масофада 6-нуқтагача давом этади.

6-нуқтадан чегара Давлат чегараси муҳофазасининг саноат зонаси ҳудуди бўйлаб шимолий йўналишда 450 метр масофада 7-нуқтагача давом этади.

7-нуқтадан чегара Айритом автомагистрал йўлиниң саноат зонаси ҳудуди бўйлаб шарқий йўналишда 1300 метр масофада 1-нуқтагача давом этади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил “13” мартағи 148 – сон қарорига  
2-илова

**“Термиз” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси”  
давлат унитар корхонасининг  
ТУЗИЛМАСИ**



Бошқарув ходимларининг умумий сони – 5 нафар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил “13” мартдаги 148сон қарорига  
3-илова

**“Термиз” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси”  
давлат унитар корхонасининг  
УСТАВИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. “Термиз” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси” (кейинги ўринларда – Дирекция) оператив бошқарув учун ўзига берилган давлат мулки негизида давлат унитар корхонаси шаклида ташкил этилган тижорат ташкилоти ҳисобланади. У ўзига бириктирилган мулкка қонун хужжатларида белгиланган доирада ва ўз фаолияти мақсадларида, мулкдор (ёки унинг топширигига биноан унинг томонидан масъул этиб тайинланган давлат органи – муассис) топширикларига мувофиқ әгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш хуқуқини амалга оширади.

2. Дирекция ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Уставга ҳамда бошқа қонун хужжатларига амал қиласди.

3. Дирекция юридик шахс ҳисобланади, алоҳида мулкка, мустақил балансга, банкларда ҳисобрақамларига, шу жумладан валюта ҳисобрақамларига, эмблемага, штамплар ва бланкаларга, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган, ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бошқа реквизитларга эга бўлади.

4. Дирекциянинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи – “Термиз” erkin iqtisodiy zonasasi direktsiyasi” davlat unitar korxonasi;

қисқартирилган номи – “Termiz” EIZ direktsiyasi” DUK;

б) рус тилида:

тўлиқ номи – Государственное унитарное предприятие «Дирекция свободной экономической зоны «Термиз»;

қисқартирилган номи — ГУП «Дирекция СЭЗ «Термиз»;

в) инглиз тилида:

тўлиқ номи – “Directorate of free economic zone “Termiz” State Unitary Company;

қисқартирилган номи – “Directorate of FEZ “Termiz” SUC.

5. Дирекциянинг жойлашган жойи (почта манзили): Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ат-Термизий кӯчаси, 1а-уй.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Дирекциянинг муассиси (кейинги ўринларда – Муассис) ҳисобланади.

7. Дирекция ўз номидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ва амалга ошириши, мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши, низоларни ҳал этишда бошқа органларда вакиллик қилиши мумкин.

8. Дирекция Муассиснинг розилигига кўра тижорат ташкилотларининг, шунингдек, қонун хужжатларига мувофиқ юридик шахсларнинг қатнашишига йўл қўйиладиган нотижорат ташкилотларда иштирокчи (акциядор, аъзо) бўлиши мумкин.

9. Дирекция бошқа давлат корхонасининг муассиси бўлиши мумкин эмас.

## **2-боб. Дирекция фаолиятининг мақсади ва асосий йўналишлари**

10. “Термиз” эркин иқтисодий зonasини (кейинги ўринларда – “Термиз” ЭИЗ) ривожлантириш давлат дастурларининг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш, шунингдек, “Термиз” ЭИЗ худудида алоҳида ҳуқуқий режимга риоя этилишини таъминлаш йўли билан оператив бошқариш, “Термиз” ЭИЗ иштирокчиларига хизматлар кўрсатишдан ҳамда ушбу Уставда назарда тутилган бошқа ишларни (хизматларни) бажаришдан (кўрсатишдан) фойда олиш Дирекция фаолиятининг асосий мақсади ҳисобланади.

11. Кўйидагилар Дирекция фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади:

Сурхондарё вилояти эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашининг (кейинги ўринларда – Маъмурий кенгаш) қабул қилинган қарорларига мувофиқ “Термиз” ЭИЗ иштирокчиларини рўйхатдан ўтказиш, шунингдек, уларнинг реестрини юритиш;

Маъмурий кенгаш қарорларига мувофиқ инвесторлар билан “Термиз” ЭИЗ худудида инвестиция киритиш тўғрисида битимлар, давлат мулкини “нол” харид қийматида сотиш тўғрисида “Термиз” ЭИЗ иштирокчилари билан шартномалар тузиш;

“Термиз” ЭИЗ худудида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижий ва маҳаллий инвесторларни топиш ва жалб этиш;

ишлаб чиқилган “Термиз” ЭИЗ бош режаси ва Маъмурий кенгаш қарори билан маъқулланган инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш;

“ягона дарча” тамойили асосида муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси тармоқларига уланиш учун зарур бўлган барча рухсатномалар беришни ташкил этиш;

белгиланган тартибда танлаб олинган инвесторлар томонидан қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилишини тизимли назорат қилиш, кейинчалик натижаларни Маъмурий кенгашга тақдим этиш;

“Термиз” ЭИЗ худудида жойлашган ва давлат мулки бўлган кўчмас мулк обьектларини ўзига берилган ваколатлар доирасида бошқариш;

“Термиз” ЭИЗ худудидаги лойихаларни ўз вақтида ишга тушириш ва ташкилотларнинг доимий фаолият юритишини таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда “Термиз” ЭИЗ иштирокчиларига кўмаклашиш;

“Термиз” ЭИЗни ривожлантириш дастурининг амалга оширилишини таъминлаш;

экологик ҳолатнинг яхшиланиши юзасидан назоратни таъминлаш, шунингдек, “Термиз” ЭИЗ худудида жойлашган тарихий-маданий бойликларнинг бут сақланиши учун жавоб бериш;

“Термиз” ЭИЗ фаолиятини бошқариш бўйича бошқа функцияларни амалга ошириш.

Қонун хужжатларида ушбу Уставда назарда тутилган тегишли фаолият турининг лицензияланиши зарурлиги белгиланган тақдирда, Дирекция фаолиятнинг ушбу турини лицензия олмасдан, тегишли лицензияловчи орган билан тузилган лицензия битими асосида амалга оширишга ҳақлидир.

12. Дирекция қонун хужжатларида фаолиятнинг тақиқланмаган бошқа турларини ҳам амалга ошириши мумкин.

### **3-боб. Дирекция фаолиятини бошқариш**

13. Дирекция Муассисга ва Маъмурий кенгашга ҳисобот беради.

14. Муассис қуйидаги ҳукукларга эга:

Дирекция фаолиятининг мақсади ва йўналишларини белгилаш;

Дирекция Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

Дирекциянинг ортиқча, фойдаланилмаётган ёхуд белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган мулкини олиб қўйиш ва тасарруф этиш;

Дирекцияга берилган мулкдан фойдаланишдан олинган соф фойданинг бир қисмини ёки ҳаммасини олиш;

Дирекция мулки бўйича амалга оширилган битимларни ҳақиқий эмас деб ҳисоблаш ва Дирекцияга етказилган заарларни қоплаш тўғрисида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш;

Дирекцияни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ва оралиқ, тугатиш балансини тасдиқлаш;

мехнатга оид қонун хужжатларида белгиланган тартибда Дирекция раҳбари билан меҳнат шартномасини муддатидан олдин тўхтатиш;

мөхнатга оид қонун хужжатларида белгиланган тартибда Дирекция раҳбари билан мөхнат шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш.

15. “Термиз” ЭИЗ мустақил бюджети ва “Термиз” ЭИЗни ривожлантириш жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланилиши Маъмурий кенгаш томонидан назорат қилинади.

16. Маъмурий кенгаш томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор Дирекциянинг жорий фаолиятига раҳбарлик қиласди.

17. Директор ижро этувчи орган ҳисобланади.

18. Директор:

қонун хужжатлари талабларини бажаришга, Дирекция ходимларининг мөхнат шароитларини муҳофаза қилиш ва яхшилаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги норма ва қоидаларга риоя қилинишини таъминлаш тадбирларини ишлаб чиқади ва жорий этади;

“Термиз” ЭИЗни ривожлантириш дастурларининг амалга оширилишини ташкил қиласди;

Дирекциянинг асосий фаолиятини такомиллаштиришга, бошқаришнинг энг замонавий усулларини жорий этишга доир чора-тадбирларни амалга оширади;

Дирекция номидан ишончномасиз ҳаракат қиласди, барча ташкилотларда, шу жумладан хорижий ташкилотларда унинг манфаатларини ифода этади;

ходимларни ишга қабул қиласди, улар билан мөхнат шартномаларини (контрактларни) тузади, ўзгартиради ва уларнинг амал қилишини тўхтатади;

қонун хужжатларида белгиланган тартибда ишончномалар беради;

кадрларни тайёрлаш ва ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш чора-тадбирларини амалга оширади;

Дирекциянинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

Дирекциянинг ички иш тартибини ва хўжалик фаолиятини тартибга солувчи хужжатларни тасдиқлайди;

Дирекция томонидан қонун хужжатларига риоя қилинишини ташкил этиш ва назорат қилишини таъминлайди;

Дирекцияга юклangan мақсадлар ва вазифаларни бажариш учун зарур бўлган бошқа функцияларни амалга оширади.

19. Директор:

Муассисга Дирекция фаолияти тўғрисида белгиланган тартибда ҳисбот беради;

ўз хукуқларини амалга оширишда ва вазифаларни бажаришда Дирекция манфаатларини кўзлаган ҳолда ҳаракат қилиши лозим ҳамда

бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар, иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши, меҳнатга оид хукуқий муносабатлардан келиб чикувчи барча талабларнинг ва уларга тенглаштирилган тўловларнинг тўланишини, ишлаб чиқариш фаолияти билан бевосита боғлиқ эҳтиёжларга маблағлар ўтказилмаганлиги, Дирекциянинг хатти-харакатлари (харакатсизлиги) учун, шу жумладан Дирекцияга берилган давлат мол-мулки йўқолган тақдирда, етказилган заар юзасидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради;

“Термиз” ЭИЗнинг Маъмурий кенгаш томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқланадиган мустақил бюджети маблағларининг тасарруф этувчиси ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига “Термиз” ЭИЗнинг мустақил бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисботни келишиш учун белгиланган тартибда тақдим этади.

20. Директор ўзига юкланган вазифаларнинг бажарилиши, шунингдек, Дирекцияга берилган давлат мулкининг сақланиши ва ундан мақсадли фойдаланилиши юзасидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

#### **4-боб. Дирекциянинг устав фонди**

21. Дирекциянинг устав фонди “Термиз” ЭИЗ фаолиятини оператив бошқариши амалга ошириш учун Муассис томонидан ўзига берилган маблағлар, мол-мулк ва бошқа активлар йиғиндисидан иборат бўлади.

22. Дирекция устав фондининг миқдори 1 млрд сўмни ташкил қиласи.

#### **5-боб. Дирекциянинг устав фондини кўпайтириш ва камайтириш тартиби**

23. Дирекциянинг устав фондини кўпайтириш ёки камайтириш қонун хужжатларида белгиланган тартибда, Муассис қарорига биноан амалга оширилади.

#### **6-боб. Дирекция мулкини тасарруф этиш**

24. Муассис томонидан Дирекцияга оператив бошқарув хукуқи билан берилган асосий фондлар ва айланма маблағлар Дирекция мол-мулкини ташкил қиласи.

25. Дирекциянинг асосий фондлари ва айланма маблағлари бўлинмайди ва улушлар (ҳиссалар, пайлар) бўйича тақсимланиши мумкин эмас.

26. Маъмурий кенгаш Дирекцияга берилган давлат мулкидан белгиланган мақсадда фойдаланилишини ва унинг сақланишини, шунингдек, ўзгага берилишини Муассис номидан назорат қиласи.

27. Директор Муассис билан келишган ҳолда, Дирекция мулкини куйидаги тасарруф этиши мумкин:

асосий воситаларни сотиш, ижарага ёки гаровга бериш;

мол-мулкни бошқа хўжалик жамиятининг устав фондига улуш сифатида киритиш;

бошқа хўжалик жамиятларининг акцияларини (улушларини) сотиб олиш ва сотиш;

мол-мулкни қонунчиликда белгиланган тартибда бошқача тарзда тасарруф этиш.

### **7-боб. Дирекция бюджетини шакллантириш**

28. Куйидагилар Дирекция фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

давлат мулки бўлган ва “Термиз” ЭИЗ худудида жойлашган бинолар ва иншоотларни ижарага беришдан олинган даромадларнинг бир қисми;

хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар;

ЭИЗ иштирокчиларининг ажратмалари ва ЭИЗ иштирокчилари сифатида рўйхатдан ўтиш учун тўловлар;

қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар.

### **8-боб. Захира фондини ва бошқа фондларни шакллантириш тартиби**

29. Дирекция ўз тасарруфида қоладиган соф фойда ҳисобига захира фондини, шунингдек, бошқа фондларни ташкил этиши мумкин, уларнинг миқдори ва шакллантириш тартиби Муассис томонидан тасдиқланади.

### **9-боб. Даромадни (фойдани) тақсимлаш ва заарларни қоплаш тартиби**

30. Дирекциянинг соф фойдаси Дирекция тасарруфида қолади ва ундан Муассис қарорига биноан фойдаланилади.

31. Муассис ўз қарори билан бошқа юридик ва жисмоний шахсларга хайрия мақсадлари учун йўналтириладиган пул маблағларининг чекланган суммасини, уларни тасарруф этиш хуқуқини Директорга берган ҳолда белгилайди.

32. Дирекциянинг хўжалик фаолияти натижасида кўрилган заарлари ушбу мақсадлар учун ташкил этилган захира фонди маблағлари ҳисобидан қопланиши мумкин.

### **10-боб. Ҳисботларни тақдим этиш тартиби**

33. Дирекция ҳисбот даври тугагач, ваколатли органларга молия ҳисботини ва рўйхати қонун хужжатларида белгиланадиган бошқа

хужжатларни тақдим этади ҳамда хужжатларнинг сақланиши ва давлат томонидан сақлашга берилиши юзасидан белгиланган тартибда жавоб беради.

34. Дирекциянинг хўжалик субъекти сифатидаги фаолияти Маъмурий кенгаш томонидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда назорат қилинади.

35. Директор ҳар чоракда Дирекция фаолиятининг натижалари ва тасдиқланган ривожлантириш дастурларининг амалга оширилиши тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

### **11-боб. Дирекциянинг жавобгарлиги**

36. Дирекция ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мулк билан жавоб беради. Муассис Дирекциянинг мулки етарли бўлмаган тақдирда, унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарликни амалга оширади.

37. Дирекция Муассис мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

### **12-боб. Дирекцияни тугатиш ва қайта ташкил этиш**

38. Дирекция Муассиснинг қарорига кўра, қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда ёки суд қарорига биноан тугатилиши ёхуд қайта ташкил этилиши мумкин.

39. Дирекцияни тугатиш Дирекция фаолиятининг хукуқ ва мажбуриятлари хукукий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтмаган ҳолда тўхтатилишига сабаб бўлади.

Дирекция қайта ташкил этилган тақдирда, унинг хукуқ ва мажбуриятлари хукукий ворисга ўтади.

